

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест марказининг 2021 йилнинг II ярим йили учун**

ИШ РЕЖАСИ

**I. 2021 йилда иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг энг муҳим йўналишлари
ва устувор вазифаларини амалга ошириш**

1. Қуйидагиларни:

- 2021 йилда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий параметрлари;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палаталари ва Сенатининг қарорлари;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига йўллаган Мурожаатномасида баён қилинган устувор вазифалар;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика ҳудудларига ташрифлари ҳамда ўтказилган мақсадли йиғилишлар яқунлари бўйича баённомаларда белгиланган тегишли топшириқлари;

- иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари ҳамда ижтимоий соҳа бўйича, шунингдек, яқин ва узоқ хорижга амалга оширилган ташрифлар, халқаро молиявий институтлар билан музокаралар яқунлари бўйича тасдиқланган “йўл хариталари”да белгиланган тегишли топшириқлари;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузаларида белгилаб берилган топшириқлардан келиб чиқадиган устувор вазифалар;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларида белгиланган тегишли вазифалар;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлар, баёнлари ва топшириқлари;

- депутатлар ва парламент сўровларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш ва натижаларини тизимли таҳлил қилиш.

Мунтазам Давлат тест маркази раҳбарияти, таркибий бўлинмалар, Ижро Ҳар чорақда Ижро интизоми назорати бўлими

2. “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурининг тегишли бандлари бажарилишини таъминлаш ва унинг амалга оширилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш.